

ЭСКИ МАКТАБЛАР ХУСУСИДА[1]

Муаллим бечора азиз фарзандларимизни калтак, камчи йўк бахонаси-ла беш-ўн саналар (5—10 йил) осмонга каратуб, «алиф, бабазер, бебазер», деб шовкин килдириб-килдириб, бир харф хам ўкув-ёзув билдирмайинча умрларини барбод килиб ётмоқга таквиятгина бўладур. Болаларни эски мактаблар ила жамоаларга таксим килиб, келиш-кетиш, калтак ва камчи масъалаларин ислох килмоқда албатта лозимдур. Лекин ўкулажак китоблар — мазкур эски китоблар, ўкулажак домлаларида — эски домлалари, мактабларида — эски хашарот уялари бўлдукинда бу масъалалар минг маротабалар ислох этилса-да, бекор, беҳудадур.

Агар виждон, инсоф ила мухокама килсак, таваккуфсиз ва тараддудсиз эски мактабларимизни асосларидан йикиб, жойларига тартиб ва интизом билган янги усул домлаларнинг химоясида бўлган мактаблар вазх этмаки лозимдур. Эски мактабдорларимизнида дехкончилик хунарларига сахв этмак мувофиқи хакикатдур. Бу сўзум жаноби муаллимларга — эски ва янги домлаларимизга охириги сўзум.

Мен ўзум хам ўзумга карашлик ўнта-ўн бешта болаларни эски мактабда хеч бахра топмай, беҳуда юрдукларина жоним ачиб, Козон тарафинда бир муаллим жалб эдуб, мактаб килиб вердим. Мактабнинг кушодига уч ой бўлгани йўк. Йигирмадан зиёда кичик болалар «алиф нима?» деган саволина «калтак» деб жавоб берувчилар тамом саводи чикиб, хар нарсани ёзадургон бўлдилар. Тўрт-беш ва етти-саккиз саналар Кўконга юруб, хеч нарса билмаган муллабачалар битамомихи арабий муколамага кодир бўлиб, хар бир китобларни мутолаа этадургон бўлдилар. Шул сабабдин биз кўзумиз ила тажриба килиб, бул ўкутишга тамом ихлос килдик. Агар Русия илмларини билмак даркор бўлган холда, ўшал мактабларда Русия муаллимларидин саклаб, бирор дарс Русия илм ва забонидан таълим берилган холда анча нафъ олур эдилар.

Туркистон вилоятининг газети, 1907 йил, №72

[1] 1907 йили «Туркистон вилоятининг газети»да эски мактаблар тарафдори Мулла Хусанхўжа эшон билан Исхокхон Ибрat ўртасида кескин мунозара бўлиб ўтади. Мулла Хусанхўжа домла эски мактабларни энгил-елпи ислох килиш шиори билан чиқади, Ибрat эса эски мактабларни тубдан ўзгартириш, улар ўрнида замон талабларига жавоб берадиган мактаблар очиш тарафдори бўлади. Шу муносабат билан Ибрat 1907 йилда Мунаввар корининг таклифига биноан Тошкентга келади, унинг мактабидаги битириш имтихонларида катнашади, олган таассуротларини маколада баён этади.

